



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

11 ЖИЛД, 4 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 11, НОМЕР 4

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 11, ISSUE 4



ТОШКЕНТ-2026

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№4 (2026) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2026-4>

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Fayziev Shoxrud Farmonovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

**Boboyev Halimboy Boboyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Sattorov Abdug'afvor**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Yosuke Shamoto**  
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)  
**Umarxonova Dildora Sharipxonovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Nematov Jo'rabek Nematilloevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННИЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

**Malikova Gulchexra**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xusanov Ozod Tillabayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Selimanova Svetlana Mixaylovna**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

**Xvan Leonid Borisovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Peshkova Xristina Vyacheslavovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**Sung Un Lee**  
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

**Oqyulov Omonboy**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ruziyev Rustam Jabborovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Borotov Mirodiljon Xomudjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Toshev Boboqul Norqobilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Shomuxamedova Zamira Shoislamovna**  
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)  
**Ahmad Issa Altweissi**  
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)  
**Mexmonov Kambariddin Miradxamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

**Esanova Zamira Normurodovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jason A.**  
Kanton Federal sud markazi (AQSH)  
**Borut Strazisar**  
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕХНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

**Usmanova Muborak Akmalxonovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Gasanov Mixail Yuriyevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Sattorova Gulnoza Djurakulovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Murodova Gulnora**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Denisov Gleb**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Fayziyev Shuxrat Xasanovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Usmonov Muhammadi Bahridinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xolmuminov Juma**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jo'rayev Yuldash Achilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Po'latov Baxtiyor Xalilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salomov Baxrom Salomovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Osmonaliyev Qayrat**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzayev Aziz**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Aleksey Kibalnik**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Kudryavtsev Vladislav Leonidovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Sergey Shoshin**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**James B.**  
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

**Rustambayev Mirzayusup Hakimovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Zufarov Rustam Axmedovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Kabulov Rustam**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Rajabova Mavjuda Abdullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ismailov Isomiddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li**  
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)  
**Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Djansarayeva Rima Ernatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Yelena Antonyan Aleksandrovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Matthew Light**  
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)  
**Qo'shayev Nurali Mahmudovich**  
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


**Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Pulatov Yuriy Safiyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**To'laganova Gulchehra Zaxitovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzov Davron Miragzamovich**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)  
**Rijakov Aleksandr Petrovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Stoyko Nikolay Genadyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Iskandarov Zayniddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Sergey Pen**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Aleksey Purs**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)  
**Jurgen Maurer**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)  
**Kevin Curtin**  
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

**Ismoilov Bahodir Islamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yuldasheva Govxerjan**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Alexander Trunk**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)


<b>1. Abdullayev Jamshid Djamilovich</b> HAQ EVAZIGA XIZMAT KO'RSATISH SHARTNOMALARI TIZIMIDA TIBBIY XIZMAT DIAGNOSTIKA – TASHXIS QO'YISH BILAN BOG'LIQ SHARTNOMALARNING TUTGAN O'RNI.....	5
<b>2. Баходирова Нилуфар Зафар кизи</b> ФЕНОМЕН DATA-DRIVEN ЭКОНОМИКИ И ТРАНСФОРМАЦИЯ АНТИМОНОПОЛЬНОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН.....	12
<b>3. Ibragimova Rayxon Shodmon qizi</b> FUQAROLIK PROTSESSIDA GUVONNING HUQUQIY MAQOMI VA O'RNI.....	19
<b>4. Курбанова Лолита Алишеровна</b> ОСОБЕННОСТИ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ПРИКОМАНДИРОВАНИЯ РАБОТНИКОВ В ТРУДОВЫХ ОТНОШЕНИЯХ.....	25
<b>5. Po'latov Mirzohid Qo'zimurodovich</b> OLIY TA'LIM TASHKILOTLARIDA PEDAGOGLAR XODIMLARNI MAJBURIY TIBBIY KO'RIKDAN O'TKAZISHNING HUQUQIY MUAMMOLARI.....	35
<b>6. Abdulxoshimov Shoxruxbek Shuxratjon o'g'li</b> XODIMNI ISHDAN CHETLASHTIRISHDA HUQUQIY KAFOLATLAR VA PROTSESSUAL HIMOYA VOSITALARI.....	44
<b>7. Насритдинова Наргиза Шокиржоновна</b> АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА НОМУСТА ТЕГИШ УЧУН ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИНГ ЖИНСИЙ ЭРКИНЛИККА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ.....	51
<b>8. Рапиқов Хурсанали Юлдошбоевич</b> ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР БЕЗОРИЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАСИ.....	58
<b>9. Sadullayev Jahongir Jamshedovich</b> SUN'IY INTELLEKT YORDAMIDA HUIJATLARNI SOXTALASHTIRISH: JINOYAT- HUQUQIY TAVSIF VA JAVOBGARLIK MASALALARI.....	67
<b>10. Musurmanov Bekzod Raximovich</b> TERGOV JARAYONIDA RAQAMLI (ELEKTRON) DALILLARNING NAZARIY TUSHUNCHALARI VA YURIDIK TABIATI.....	75
<b>11. Yusuvalieva Rakhima Yusupovna, Amirkulova Parinamoi Behbud</b> LEGAL BASIS FOR THE PROTECTION OF MIGRANTS' RIGHTS IN THE LEGISLATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.....	82
<b>12. Бабаджанов Бахтиёр Бекович</b> ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ЖАМИЯТДА ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИК, ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ.....	89



**Рапиқов Хурсанали Юлдошбоевич,**  
 Ўзбекистон Республикаси  
 Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси  
 мустақил изланувчиси  
 E-mail: xrapikov@gmail.com

**ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР БЕЗОРИЛИГИ  
 УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАСИ**

**For citation:** Rapikov Khursanali Yuldoshboevich. THE ISSUE OF LIABILITY FOR JUVENILE HOOLIGANISM IN THE EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES. Journal of Law Research. 2026, 11 vol., issue 4.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.20082351>

**АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада хорижий давлатлар тажрибасида вояга етмаганлар безорилиги учун жавобгарлик масаласи таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада хорижий давлатларнинг жиноят-ҳуқуқий тажрибаси қиёсий-ҳуқуқий методология асосида таҳлил қилиниб, вояга етмаганлар безорилиги учун жавобгарликнинг халқаро стандартлари ва миллий қонунчилик хусусиятлари ўрганилади. Бундан ташқари, мақолада хорижий давлатлар қонунчилиги ва халқаро стандартларида вояга етмаганларнинг безорилик содир этганлик учун масаласи қай тартибда ҳал этилиши юзасидан фикрлар ҳам таҳлил этилган. Муаллиф мақолада хорижий давлатлар борадаги халқаро стандартлар ва БМТ талабларига тўхталиб ўтаркан вояга етмаганларга нисбатан жиноий жавобгарликни белгилашда халқаро ҳуқуқий стандартлар методологик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этиши ҳамда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишнинг минимал стандарт қоидалари” (Пекин қоидалари) мазкур соҳада фундаментал йўналтирувчи ҳужжат сифатида қаралиши борасида ҳам ўз фикрларини бериб ўтади. Муаллиф мақолада Германия Федератив Республикасида Буюк Британия, Франция ва Россия Федерацияси ҳамда Қозоғистон Республикасининг қонунчилигида вояга етмаганлар жиноятчилиги, айниқса улар томонидан содир этиладиган безорилик учун жавобгарлик масалаларига ҳам тўхталиб, ўзининг хулосаларини бериб ўтади.

**Калит сўзлари:** Амалга ошириш, жавобгарлик, жазо, безорилик, вояга етмаганлар, халқаро стандартлар, миллий қонунчилик, одил, судлов, суд.

**Рапиқов Хурсанали Юлдашбоевич.**  
 Самостоятельный соискатель Правоохранительной  
 академии Республики Узбекистан  
 E-mail: xrapikov@gmail.com

## ВОПРОС ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА ХУЛИГАНСТВО НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ В ОПЫТЕ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН

### АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется вопрос ответственности за хулиганство несовершеннолетних в опыте зарубежных стран. Также в статье на основе сравнительно-правовой методологии анализируется уголовно-правовой опыт зарубежных стран, изучаются международные стандарты ответственности за хулиганство несовершеннолетних и особенности национального законодательства. Кроме того, в статье анализируются мнения о том, в каком порядке в законодательстве зарубежных стран и международных стандартах решается вопрос о несовершеннолетних, совершивших хулиганство. Автор статьи, касаясь международных стандартов зарубежных стран и требований ООН, высказывает свое мнение о том, что международные правовые стандарты имеют методологическое значение при определении уголовной ответственности в отношении несовершеннолетних, а также о том, что "Минимальные стандартные правила отправления правосудия в отношении несовершеннолетних," принятые Генеральной Ассамблеей ООН (Пекинские правила), рассматриваются в качестве фундаментального руководящего документа в этой области. В статье автор также затрагивает вопросы ответственности за преступность несовершеннолетних, особенно за хулиганство, совершаемое ими в Федеративной Республике Германия, в законодательстве Великобритании, Франции и Российской Федерации, а также в законодательстве Республики Казахстан, и представляет свои выводы.

**Ключевые слова:** Реализация, ответственность, наказание, хулиганство, несовершеннолетние, международные стандарты, национальное законодательство, правосудие, суд.

**Rapikov Khursanali Yuldoshboevich,**

Independent researcher at Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

E-mail: xrapiqov@gmail.com

## THE ISSUE OF LIABILITY FOR JUVENILE HOOLIGANISM IN THE EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES

### ANNOTATION

This article analyzes the issue of liability for juvenile hooliganism in the experience of foreign countries. Additionally, the article analyzes the criminal law experience of foreign countries based on a comparative legal methodology, examining international standards of liability for juvenile hooliganism and the specifics of national legislation. Additionally, the article analyzes how the issue of juvenile delinquency is resolved in accordance with foreign legislation and international standards. In the article, the author touches upon international standards and UN requirements for foreign countries, expressing his opinion that international legal standards are methodologically important in determining criminal liability against minors, and the "Minimum Standard Rules for the Administration of Juvenile Justice" (Beijing Rules), adopted by the UN General Assembly, should be considered a fundamental guiding document in this field. The author of the article also touches upon the issues of liability for juvenile delinquency, especially hooliganism committed by them, in the legislation of the Federal Republic of Germany, the United Kingdom, France and the Russian Federation, and the Republic of Kazakhstan, and gives his conclusions.

**Keywords:** Implementation, responsibility, punishment, hooliganism, minors, international standards, national legislation, justice, trial, court.

Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган безорилик жиноятлари замонавий жиноятшунослик фанида глобал миқёсдаги жиддий ижтимоий-хуқуқий муаммолардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Жаҳон мамлакатларида олиб борилган криминологик тадқиқотлар натижалари шуни тасдиқлайдики, вояга етмаганлар жиноятчилигининг таркибий тузилмасида безорилик

жиноятлари сезиларли улуш эгаллайди ва уларнинг олдини олиш мақсадида самарали ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш объектив заруратга айланган[1].

Бунда биз хорижий давлатларнинг жиноят-ҳуқуқий тажрибаси қиёсий-ҳуқуқий методология асосида таҳлил қилиниб, вояга етмаганлар безорилиги учун жавобгарликнинг халқаро стандартлари ва миллий қонунчилик хусусиятлари ўрганилади.

Бу борадаги халқаро стандартлар ва БМТ талабларига тўхталиб ўтадиган бўлсак, вояга етмаганларга нисбатан жинойи жавобгарликни белгилашда халқаро ҳуқуқий стандартлар методологик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. 1985 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишнинг минимал стандарт қоидалари” (Пекин қоидалари) мазкур соҳада фундаментал йўналтирувчи ҳужжат мақомига эга[2]

Пекин қоидаларининг 4.1-моддасида “жинойи масъулият ёшлари белгилашда бу ёш жуда паст қилиб белгиланмаслиги керак, бунда эмоционал, ақлий ва интеллектуал етуклик омиллари инобатга олинishi лозим”, деб таъкидланган.

Пекин қоидаларининг принципиал аҳамияти шундаки, улар вояга етмаганларга нисбатан жазолаш эмас, балки тарбиялаш ва ижтимоий реабилитация қилиш тамойилига устуворлик беради.

Қоидаларнинг 5.1-бандида вояга етмаганларга нисбатан одил судлов тизими, аввало, болаларнинг фаровонлигини таъминлашга қаратилган бўлиши ва ҳар қандай ҳуқуқий муносабат жиноятчининг ҳам, жиноятнинг ҳам ҳолатларига мутаносиб бўлиши кераклиги белгиланган[3].

Мазкур ёндашув замонавий криминологиянинг гуманистик тамойилларига тўлиқ мос келиб, миллий қонунчиликларни такомиллаштиришда муҳим методологик ориентир вазифасини бажаради.

БМТ Бола ҳуқуқлари қўмитаси 2019 йилда нашр этган 24-сонли Умумий изохидида жинойи масъулият ёшининг минимал даражасини камида 14 ёшга кўтаришни тавсия этган[4].

Ушбу тавсия нейробиологик тадқиқотларнинг илмий хулосаларига асосланган бўлиб, уларга кўра бола миясининг импулсларни назорат қилиш ва ўз хатти-ҳаракатлари оқибатларини адекват баҳолаш учун масъул бўлган нейронал тузилмалари 18 ёшгача, баъзи тадқиқотларга кўра эса 25 ёшгача тўлиқ морфологик шаклланишни яқунламайди.

Шу нуқтаи назардан, жинойи масъулият ёшлари белгилашда биологик ва психологик детерминантларни инобатга олиш объектив заруратга эга эканлиги илмий далиллар билан тасдиқланади.

Германия Федератив Республикасида вояга етмаганларга нисбатан жинойи жавобгарлик масаласи Жиноят кодекси (Strafgesetzbuch – StGB) ва Вояга етмаганлар судлари тўғрисидаги қонун (Jugendgerichtsgesetz – JGG) асосида тартибга солинади. Германия жиноят қонунчилигининг 19-моддасига мувофиқ, 14 ёшга тўлмаган болалар жинойи масъулиятга тортилиш лаёқатига эга эмас (schuldunfähig) деб эътироф этилади[5].

14 дан 17 ёшгача бўлган шахслар (Jugendliche) шартли равишда жинойи масъулиятга тортилади, яъни уларнинг ақлий ва ахлоқий жиҳатдан етуклик даражаси ҳар бир конкрет ишда индивидуал тартибда текширилади.

Германия ҳуқуқий тизимининг ўзига хос институционал хусусияти шундаки, 18 дан 20 ёшгача бўлган ёшларга (Heranwachsende) нисбатан ҳам вояга етмаганлар қонунчилиги қўлланилиши мумкин. JGG нинг 105-моддасига кўра, агар ёш катта шахснинг жиноят содир этиш вақтидаги шахсий ривожланиш даражаси ва ижтимоий муҳити уни вояга етмаганга функционал жиҳатдан тенглаштиради, унга вояга етмаганларга хос жазо чоралари тайинланади[6].

Бу ёндашув криминологик нуқтаи назардан принципиал аҳамият касб этади, чунки у шахснинг индивидуал онтогенетик ривожланиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда жазо тайинлаш имконини беради.

Германия жиноят ҳуқуқида безорилик (Hooliganismus) алоҳида жиноят таркиби (corpus delicti) сифатида белгиланмаган, аммо безорилик хатти-ҳаракатлари тан жароҳати етказиш,

мол-мулкни вайрон қилиш ва бошқа жиноят таркиблари доирасида квалификация қилинади ва жазоланади.

Бунда вояга етмаганларга нисбатан, аввало, тарбиявий чора-тадбирлар (Erziehungsmaßregeln) ва интизомий жазолар (Zuchtmittel) қўлланилиб, озодликдан маҳрум қилиш фақат ultima ratio (охирги чора) сифатида белгиланган[7].

Статистик маълумотларга кўра, 2021 йилда Германияда вояга етмаганлар жиноятчилиги бўйича 22 297 нафар шахсга назорат чоралари, 32 225 нафарга тузатиш чоралари ва атиги 7 293 нафарга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган[8]. Бу рақамлар Германия жинойий адолат тизимининг тарбиявий йўналтирилганлигини яққол тасдиқлайди.

Германия тажрибасининг методологик жиҳатдан аҳамиятли томони – диверсия (Diversion) институтининг кенг қўлланилишидир. Мазкур институт доирасида, энгил жиноятларда ишни расмий судловга олиб бормасдан процессуал тугатиш имконияти мавжуд. Прокурор вояга етмаган шахсга расмий огоҳлантириш бериши, уни ижтимоий хизматга юбориши ёки жабрланувчи билан медиация (ярашув) жараёнига жалб этиши мумкин[9]. Мазкур ёндашув вояга етмаганларни жинойий юстиция тизимининг стигматизация каби салбий таъсирларидан ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, рецидив жиноятчилик даражасини камайтиришда эмпирик жиҳатдан тасдиқланган самарали натижалар берган.

Эмпирик тадқиқотлар безориликнинг ижтимоий хавфлилигини аниқ рақамлар билан тасдиқлайди. Германияда ўтказилган тадқиқотга кўра, футбол ўйинлари кунларида зўравонлик жиноятлари 17 фоизга ошади, бу эса йилига тахминан 58 миллион евролик ижтимоий зарарни ташкил этади[10]. Дерби ўйинлари (маҳаллий рақиблар ўртасидаги ўйинлар) кунларида эса бу кўрсаткич 63 фоизга етади. Бу маълумотлар безориликнинг ижтимоий хавфлилигининг юқори даражасини кўрсатади.

Буюк Британия парламенти ҳисобига кўра, безорилар томонидан етказилган зарар йилига миллионлаб фунтни ташкил этади[11]. Бу зарар нафақат моддий, балки маънавий характерга ҳам эга: фуқароларда хавотирлик ва ноҳавфсизлик ҳисси вужудга келади, жамоат жойларида нормал ҳаёт кечирish қийинлашади. Бизнинг фикримизча, безориликнинг ижтимоий хавфлилигини баҳолашда бу маънавий оқибатлар ҳам инобатга олиниши лозим.

Буюк Британия тажрибасига тўхталиб ўтадиган бўлсак, Англия ва Уэльсда жинойий масъулият ёши 10 ёшдан бошланади, бу эса халқаро стандартларга нисбатан сезиларли даражада паст кўрсаткич ҳисобланади[12]. Мазкур ёш 1963 йилда “Болалар ва ёшлар тўғрисида”ги қонуннинг 16-моддаси билан белгиланган ва шу вақтдан буён ўзгартирилмаган. Шотландияда эса 2019 йилда жинойий масъулият ёши 8 дан 12 га кўтарилган, бироқ бу ҳам БМТ тавсияларида белгиланган минимал 14 ёш стандартига мос келмайди[13].

Буюк Британияда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган безорилик хатти-ҳаракатлари 1986 йилги “Жамоат тартиби тўғрисида”ги қонун (Public Order Act) асосида ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинади. Мазкур қонун безорилик ёки антисоциал хатти-ҳаракатларни жамоат жойларида содир этганлик учун жавобгарликни белгилайди. 10 дан 17 ёшгача бўлган шахслар вояга етмаганлар суди (Youth Court) юрисдикциясида судланади, бунда уларнинг индивидуал шахсий ҳолатлари ва реабилитация имкониятлари инобатга олинади[14].

Буюк Британия вояга етмаганлар одил судлов тизимида “Бола биринчи” (Child First) ёндашуви амалга оширилмоқда. Мазкур доктринага кўра, вояга етмаган ҳуқуқбузар, аввало, бола сифатида кўриб чиқилади, жиноятчи сифатида эмас[15]. Қонунчиликда вояга етмаганларни жинойий юстиция тизимидан четлаштириш (diversion) ва ижтимоий реабилитацияга устуворлик берилган бўлиб, жазолаш охирги чора сифатида белгиланган.

2023–2024 йилларнинг статистик маълумотларига кўра, Англия ва Уэльсда жамоат тартибини бузиш жиноятлари бўйича вояга етмаганларга огоҳлантириш бериш ҳолатлари 7 фоизга ошган[16].

Бироқ умумий тенденция шуни кўрсатадики, сўнгги ўн йил давомида вояга етмаганларга расмий жазо тайинланиш ҳолатлари 67 фоизга камайган. Мазкур эмпирик

маълумотлар диверсия институти ва альтернатив чора-тадбирларнинг криминалогик самарадорлигини объектив тасдиқлайди.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, ЮНИСЕФ ва бошқа халқаро ташкилотлар Буюк Британиянинг паст жиноий масъулият ёшлари систематик равишда танқид қилмоқда. ЮНИСЕФ ҳисоботида кўра, 10 ёшдан бошлаб жиноий масъулият юклаш бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциялар руҳига зид келади ва уларнинг келажагига ўзгармас салбий таъсир кўрсатиши мумкин[17].

Илмий адабиётлардаги мавжуд позициялар таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур танқид асосли бўлиб, ривожланган давлатлар, шу жумладан Буюк Британия ҳам жиноий масъулият ёшлари халқаро стандартларга мувофиқлаштириши мақсадга мувофиқдир.

Францияда вояга етмаганларга нисбатан жиноий жавобгарлик 1945 йил 2 февралдаги “Болалар жиноятчилиги тўғрисида”ги ордонанс асосида тартибга солинган. Мазкур ордонанс 40 мартадан ортиқ ўзгартириш ва қўшимчаларга учраган бўлса-да, унинг фундаментал тамойиллари – тарбиялашнинг жазолашдан устунлиги ва ихтисослашган судларнинг зарурлиги – ўзининг юридик кучини сақлаб қолган[18]. 2019 йилда мазкур ордонанс Вояга етмаганлар жиноий одил судлов кодекси билан алмаштирилган.

Франция қонунчилигининг ўзига хос институционал хусусияти шундаки, жиноий масъулият ёши аниқ рақамли кўрсаткич сифатида белгиланмаган.

Жиноят кодексининг 122-8-моддасига мувофиқ, “ақлий идрокка эга бўлган вояга етмаганлар жиноят содир этганликда масъулдирлар” [19], деб белгиланган. Аммо суд амалиёти ва доктринага кўра, 13 ёшгача бўлган болаларга жиноий жазо тайинланмайди, улар фақат тарбиявий чора-тадбирларга тортилади. 10 дан 13 ёшгача бўлган болаларга тарбиявий санкциялар қўлланилиши мумкин, 13 дан 16 ёшгача бўлган вояга етмаганларга эса катталар учун назарда тутилган жазонинг ярмидан кўп бўлмаган миқдорда жазо тайинланади.

Франция тажрибасида эътиборга сазовор яна бир ҳуқуқий институт – 16 дан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларга нисбатан “вояга етмаганлик имтиёзи” (excuse de minorité) бекор қилиниши мумкинлигидир. Мазкур қоида жиддий жиноятлар учун ёки рецидив ҳуқуқбузарлик ҳолатларида қўлланилади[20].

Бироқ бундай ҳолатларда ҳам суд вояга етмаганнинг индивидуал шахсий ҳолатлари ва жиноят содир этиш шароитларини ҳар томонлама инобатга олиши шарт.

Франция жиноий одил судлов тизимида вояга етмаганлар ишлари бўйича ихтисослашган судлов органлари – вояга етмаганлар судлари (tribunaux pour enfants) ва вояга етмаганлар судьялари (juges des enfants) фаолият кўрсатади. Улар тарбиявий чора-тадбирлар, жарима-товон ва озодликдан маҳрум қилиш масалаларини ҳал этади. Ёпиқ тарбия марказлари (centres éducatifs fermés) вояга етмаганларни пенитенциар муассасаларга муқобил вариант сифатида жойлаштириш имконини беради[21].

Россия Федерациясининг Жиноят кодекси безориликни алоҳида жиноят таркиби сифатида белгилаган (213-модда). Бу МДҲ давлатлари жиноят қонунчилигининг ўзига хос хусусияти бўлиб, кўпгина Ғарб давлатларида безорилик мустақил жиноят таркиби сифатида кодификацияланмаган. Россия ЖКнинг 20-моддасига мувофиқ, умумий жиноий масъулият ёши 16 ёшдан бошланади, аммо оғирлаштирувчи ҳолатлардаги безорилик (213-модданинг 2 ва 3-қисмлари) учун жиноий масъулият 14 ёшдан белгиланган[22].

Россия Федерациясининг Жиноят кодексида (213-модда) безорилик “жамиятга очик ҳурматсизлик ифодаловчи, жамоат тартибини кўпол бузиш” сифатида таърифланган[23]. Бу таърифдан кўриниб турибдики, безориликнинг объекти икки компонентдан иборат: биринчидан, жамоат тартиби; иккинчидан, жамиятнинг шаъни ва кадр-қиммати. Жамиятга ҳурматсизлик ифодаланиши безориликнинг зарурий белгиси бўлиб, у жиноятнинг объектив томонида намоён бўлади.

Россия жиноят қонунчилигида безорилик “жамиятга очикдан-очик ҳурматсизлик ифодаловчи, қуроладан ёки қуроли сифатида фойдаланиладиган буюмлардан фойдаланган ҳолда жамоат тартибини кўпол бузиш”[24] сифатида таърифланади. Оғирлаштирувчи ҳолатларга гуруҳ бўлиб, олдиндан тил бириктириб содир этиш, ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш

ва портловчи моддалардан фойдаланиш киради. Россия Федерацияси Олий суди Пленумининг 2007 йил 45-сонли қарорида безориликни квалификация қилишнинг батафсил юридик-техник йўриқномалари белгиланган.

Криминологик тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, Россияда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган безорилик жиноятлари кўп ҳолатларда гуруҳ тарзида амалга оширилади.

Эмпирик изланишлар маълумотларига кўра, вояга етмаганлар гуруҳ таркибида бўлганда тенгдошларига нисбатан агрессивроқ ва девиант хатти-ҳаракатларга мойилроқ бўлади[25].

Мазкур криминологик қонуният безорилик жиноятларининг олдини олиш стратегиясини ишлаб чиқишда методологик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Россия жиноят қонунчилигида яна бир муҳим ҳуқуқий категория – “майда безорилик” (мелкое хулиганство) институти бўлиб, у маъмурий жавобгарликни келтириб чиқаради. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекснинг 20.1-моддасига кўра, жамоат жойларида кўпол сўкиниш, фуқароларга тегжорлик қилиш ва шунга ўхшаш ҳаракатлар маъмурий жарима ёки 15 суткагача маъмурий ҳибс билан жазоланади[26].

Маъмурий жавобгарликка тортиш 16 ёшдан белгиланган. Жиноий ва маъмурий безориликни аниқ делимитация қилиш вояга етмаганларга нисбатан мутаносиб (пропорционал) жазо тайинлаш имконини яратади.

Қозоғистон Республикасининг Жиноят кодекси Россия ЖКга кўп жиҳатдан структуравий ўхшашликка эга бўлиб, безорилик 293-моддасида алоҳида жиноят таркиби сифатида кодификацияланган. ЖКнинг 15-моддасига мувофиқ, умумий жиноий масъулият ёши 16 ёшдан белгиланган, аммо оғирлаштирувчи ҳолатлардаги безорилик (293-модданинг 2 ва 3-қисмлари) учун жиноий масъулият 14 ёшдан бошланади[27].

Қозоғистон қонунчилигида ҳам “майда безорилик” институти мавжуд бўлиб, у маъмурий жавобгарликни келтириб чиқаради. Қозоғистон Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги жамланма кодексининг 434-моддасига кўра, вояга етмаган томонидан содир этилган майда безорилик учун унинг ота-онаси ёки қонуний вакиллари жавобгар бўлади. Мазкур қоида оила масъулиятини кучайтиришга қаратилган бўлиб, криминологик нуқтаи назардан ижобий баҳоланиши лозим.

Қозоғистон ЖКнинг 15-моддасининг 3-қисмида назарий ва амалий жиҳатдан муҳим қоида белгиланган: агар вояга етмаган шахс қонунда белгиланган ёшга етган бўлса-да, рухий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ақлий ривожланишдан орқада қолиш (*retardatio mentalis*) туфайли ўз хатти-ҳаракатларининг ҳақиқий хусусиятини ва ижтимоий хавфини тўлиқ англай олмаса ёки уларни ихтиёрий бошқара олмаса, у жиноий жавобгарликка тортилмайди[28].

Ушбу қоида вояга етмаганларнинг индивидуал психофизиологик хусусиятларини инобатга олиш имконини бериб, одил судловнинг конституцион кафолати сифатида хизмат қилади.

Бундан ташқари, хорижий криминологик тадқиқотларда вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари ва шарт-шароитларини тушунтирувчи бир қатор фундаментал назариялар ишлаб чиқилган. Т.Ҳиршининг ижтимоий назорат назариясига кўра, жамиятга мустаҳкам ижтимоий боғланган шахслар жиноят содир этишга камроқ мойил бўлади. Мазкур назарияда боғланишнинг тўрт асосий структуравий шакли ажратилади: қўшилиш (*attachment*), садоқат (*commitment*), иштирок этиш (*involvement*) ва ишонч (*belief*) [29]. Агар мазкур ижтимоий боғланишлар заиф бўлса, вояга етмаганда девиант ва делинквент хатти-ҳаракатларга мойиллик шаклланади.

Р.Мертоннинг аномия назарияси вояга етмаганлар жиноятчилигини жамиятда институционал тарзда белгиланган мақсадларга қонуний (легитим) йўллар билан эришиш имконининг структуравий чекланганлиги билан тушунтиради[30].

Мазкур назарияга кўра, вояга етмаганлар ўз мақсадларига легитим воситалар орқали эриша олмаганда, уларга ноқонуний (иллегитим) йўллар билан эришишга уринади. Безорилик эса кўпинча бундай аномик ҳолатнинг бевосита ижтимоий оқибати сифатида намоён бўлади.

Э.Сазерленднинг дифференциал ассоциация назарияси жиноий хатти-ҳаракатларни ижтимоий ўрганиш жараёни сифатида талқин этади[31].

Мазкур назарияга кўра, вояга етмаган жиноий хулқ-атвор намуналарини бошқа шахслар билан бевосита мулоқот жараёнида ўзлаштиради. Тенгдошлар гуруҳи (peer group), айниқса безорилик турдаги жиноятларда, криминоген детерминант сифатида муҳим роль ўйнайди. Тадқиқотлар натижалари шуни тасдиқлайдики, тенгдошлар гуруҳининг салбий таъсири вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликка жалб қилинишида асосий этиологик омиллардан бири ҳисобланади[32].

Замонавий криминологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, вояга етмаганлар безорилигининг сабаблари мураккаб ва полиэтиологик хусусиятга эга. Оилавий муносабатларнинг дезинтеграцияси, ота-она назоратининг етишмаслиги, таълим жараёнидаги муваффақиятсизлик, девиант тенгдошлар билан мулоқот ва ижтимоий-иқтисодий депривация безорилик жиноятларини содир этишга олиб келувчи асосий криминоген омиллар сифатида аниқланган[33]. Мазкур омилларнинг комплекс табиатини инобатга олган ҳолда, олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш янада самарали натижалар бериши мумкин.

Хулоса қиладиган бўлсак, хорижий давлатлар тажрибасининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили шуни кўрсатадики, вояга етмаганлар безорилиги учун жавобгарликни белгилашда турли концептуал ёндашувлар мавжуд.

Биринчидан, жиноий масъулият ёши давлатлар бўйича сезиларли дифференциацияга эга: Англия ва Уэльсда 10 ёш, Шотландияда 12 ёш, Францияда ақлий идрок мезонига боғлиқ (суд амалиётида де-факто 13 ёш), Германия, Россия ва Қозоғистонда 14 ёш (оғирлаштирувчи ҳолатлардаги безорилик учун).

Иккинчидан, безориликни алоҳида жиноят таркиби (*delictum sui generis*) сифатида кодификация қилиш кўпроқ МДХ давлатларига хос бўлиб, Фарб давлатларида безорилик хатти-ҳаракатлари бошқа жиноят таркиблари доирасида квалификация қилинади ва жазоланади.

Учинчидан, барча кўриб чиқилган юрисдикцияларда тарбиялаш ва ижтимоий реабилитация тамойилига устуворлик берилади.

Тўртинчидан, халқаро стандартлар, хусусан Пекин қоидалари ва БМТ Бола ҳуқуқлари конвенцияси миллий қонунчиликларни такомиллаштиришда муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини такомиллаштиришда қуйидаги қиёсий-ҳуқуқий хулосаларни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир: биринчидан, жиноий масъулият ёшини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш;

иккинчидан, безориликнинг оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларини аниқроқ юридик-техник жиҳатдан белгилаш; учинчидан, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган безориликнинг олдини олиш институтини миллий ҳуқуқий тизимда янада ривожлантириш; тўртинчидан, тарбиявий чора-тадбирлар тизимини такомиллаштириш; бешинчидан, оила масъулиятини кучайтиришга қаратилган нормаларни жорий этиш.

Мазкур чора-тадбирларнинг комплекс амалга оширилиши вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олиш ва уларни жамиятга самарали реинтеграция қилишда ижобий натижалар бериши кутилади.

## Iqtiboslar/Сноски/References:

1. Moffitt, T.E. Adolescence-limited and life-course-persistent antisocial behavior: a developmental taxonomy / T.E. Moffitt // *Psychological Review*. – 1993. – Vol. 100(4). – P. 428–449.
2. United Nations Standard Minimum Rules for the Administration of Juvenile Justice (“The Beijing Rules”). G.A. res. 40/33, annex, 40 U.N. GAOR Supp. (No. 53) at 207, U.N. Doc. A/40/53 (1985).

3. OHCHR. United Nations Standard Minimum Rules for the Administration of Juvenile Justice (The Beijing Rules) [Электрон ресурс]. – URL: <https://www.ohchr.org/en/instruments-mechanisms/instruments/united-nations-standard-minimum-rules-administration-juvenile>. – 4.1-модда.
4. Committee on the Rights of the Child. General Comment No. 24 (2019) on children’s rights in the child justice system / United Nations. – 2019.
5. Jugendstrafrecht: wann, warum, für wen? // Strafrechtsfragen.de [Электрон ресурс]. – 2017. – URL: <https://www.strafrechtsfragen.de/en/publikation/juvenile-criminal-law/>. – Б. 1–3.
6. Dünkel, F. Youth Justice in Germany / F. Dünkel // Oxford Handbook Topics in Criminology and Criminal Justice. – Oxford University Press, 2012. – P. 352–358.
7. Dünkel, F., Pruin, I. Juvenile Justice in Germany: Between Welfare and Justice / F. Dünkel, I. Pruin // International Handbook of Juvenile Justice. – Springer, 2006. – P. 225–262.
8. Involvement in juvenile court proceedings // Information System Child and Youth Services in Germany [Электрон ресурс]. – URL: <https://www.kinder-jugendhilfe.info/en/>.
9. Dünkel, F. Youth Justice in Germany. – P. 355.
10. Müller, M. How much violence does football hooliganism cause? // Journal of Public Economics. – 2023.
11. Juvenile Delinquency And Hooliganism // UK Parliament Hansard [Электронный ресурс]. – 1964. – URL: <https://hansard.parliament.uk/Commons/1964-04-27/> (дата обращения: 29.01.2026).
12. Youth justice in England and Wales // Wikipedia [Электрон ресурс]. – URL: [https://en.wikipedia.org/wiki/Youth\\_justice\\_in\\_England\\_and\\_Wales](https://en.wikipedia.org/wiki/Youth_justice_in_England_and_Wales).
13. UNICEF UK. Youth justice in the UK – a rights-based analysis. – London: UNICEF UK, 2023.
14. The Crown Prosecution Service. Youth crime [Электрон ресурс]. – URL: <https://www.cps.gov.uk/types-crime/youth-crime>.
15. The Crown Prosecution Service. Children as suspects and defendants [Электрон ресурс]. – URL: <https://www.cps.gov.uk/prosecution-guidance/children-suspects-and-defendants>.
16. Ministry of Justice. Youth Justice Statistics: 2023 to 2024. – London: GOV.UK, 2025.
17. UNICEF UK. Youth justice in the UK – a rights-based analysis. – London: UNICEF UK, 2023.
18. EACEA National Policies Platform. National youth law – France [Электрон ресурс]. – URL: <https://national-policies.eacea.ec.europa.eu/youthwiki/chapters/france/12-national-youth-law>.
19. Criminal responsibility in French law // Wikipedia [Электрон ресурс]. – URL: [https://en.wikipedia.org/wiki/Criminal\\_responsibility\\_in\\_French\\_law](https://en.wikipedia.org/wiki/Criminal_responsibility_in_French_law).
20. Library of Congress. Children’s Rights: France [Электрон ресурс]. – URL: <https://maint.loc.gov/law/help/child-rights/france.php>.
21. Danet, J. The French Juvenile Justice System / J. Danet // International Handbook of Juvenile Justice. – Springer, 2006. – P. 173–196.
22. Абрамова, Н.Г. Criminal liability of minors for crimes committed out of hooligan impactions / Н.Г. Абрамова // ResearchGate. – 2021. – Б. 353–358. (Abramova, N.G. Criminal liability of minors for crimes committed out of hooligan impactions // ResearchGate. - 2021. – P. 353–358.).
23. Россия Федерациясининг Жиноят кодекси. 213-модда. Безорилик // КонсультантПлюс [Электронный ресурс]. – URL: [https://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_10699/](https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/) (дата обращения: 29.01.2026). (Criminal Code of the Russian Federation. Article 213. Bezorilik // ConsultantPlus [Electronic resource]. – URL: [https://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_10699/](https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/) (access date: 29.01.2026)).
24. Уголовный кодекс Российской Федерации от 13.06.1996 № 63-ФЗ (ред. от 23.04.2018). – Ст. 213 // КонсультантПлюс [Электрон ресурс]. – URL: [https://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_10699/](https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/). (Criminal Code of the Russian Federation dated June 13, 1996, No. 63-FZ (ed. dated April 23, 2018). – Art. 213 // Consultant Plus [Electronic resource]. - URL: [https://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_10699/](https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/)).
25. Youth and Hooliganism in Sports Events // Belgrade Centre for Security Policy. – 2014. – P. 114–124.

- 26.** Наказание за хулиганство: уголовная ответственность по статье 213 УК РФ и административная ответственность по КоАП за мелкое хулиганство // Notarius-nn.ru [Электрон ресурс]. – 2021. – URL: <https://notarius-nn.ru/en/ugolovnoe/melkoe-huliganstvo-nakazanie.html>. (Punishment for hooliganism: criminal liability under Article 213 of the Criminal Code of the Russian Federation and administrative liability under the Code of Administrative Offenses for petty hooliganism // Notarius-nn.ru [Electronic resource]. - 2021. – URL: <https://notarius-nn.ru/en/ugolovnoe/melkoe-huliganstvo-nakacheniy.html>).
- 27.** Penal Code of the Republic of Kazakhstan. Article 15 // Adilet LIS [Электрон ресурс]. – URL: <https://adilet.zan.kz/eng/docs/K1400000226>.
- 28.** Penal Code of the Republic of Kazakhstan. Article 15, part 3.
- 29.** Hirschi, T. Causes of Delinquency / T. Hirschi. – Berkeley, CA: University of California Press, 1969. – P. 16–34.
- 30.** Merton, R. Social Structure and Anomie / R. Merton // American Sociological Review. – 1938. – Vol. 3. – P. 672–682.
- 31.** Sutherland, E. Principles of Criminology / E. Sutherland. – Philadelphia: Lippincott, 1939. – P. 4–11.
- 32.** Impact of social factors responsible for Juvenile delinquency – A literature review // PMC. – 2024.
- 33.** Juvenile Delinquency from the Perspective of Socialization and Social Control // PMC. – 2022.

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

## ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

### JOURNAL OF LAW RESEARCH

#### Taqdim etilayotgan maqolalarga qo'yilgan talablar:

1. Maqola o'zbek, ingliz va rus tillarida qabul qilinadi va Microsoft Word dasturida Times New Roman shriftida 12 kegl, 1 satr oralig'ida, sahifalar barcha tomondan 2 sm qoldirilgan bo'lishi shart. Satr boshi - 1,25 sm bo'lib, satrlarni eniga to'g'irlash, so'zlarni boshqa qatorga ko'chirish avtomatik tarzda bo'lishi lozim.
2. Birinchi qator o'ng tomondan muallifning familiyasi, ismi va otasining ismi, ikkinchi qatorda muallifning ish joyi, lavozimi, ilmiy darajasi va unvoni va e-mail, uchinchi qatorda sahafaning o'rtasida bosh va qalin harflar bilan maqolaning nomi yoziladi. Ushbu ma'lumotlar o'zbek, ingliz va rus tillarda berilishi lozim.
3. Keyingi qatordan o'zbek, ingliz va rus tillarida kamida 60 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida so'zdan iborat annotatsiya beriladi.
4. Keyingi qatordan 6-10 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida kalit so'zlar beriladi.
5. Keyingi qatordan asosiy matn umimiy so'zi minimal 2000 ta bo'ladi.
6. Adabiyotlarning to'liq ro'yxati asosiy matndan so'ng alifbo tartibida ko'rsatilishi lozim va havolalar asosiy matnda bo'lishi kerak [1, B.25].
7. Maqolada keltirilgan dalillarning to'g'riligi uchun muallif mas'ul, plagiat holati taqiqlanadi.
8. Web of science, Scopus tizimidagi jurnallardan iqtiboslar olish maqsadga muvofiqdir.

#### Требования к оформлению научной статьи:

1. Статья принимается на узбекском, английском и русском языках и должна быть оформлена в Microsoft Word шрифтом Times New Roman, размер 12, межстрочный интервал — 1, поля со всех сторон — 2 см. Абзацный отступ — 1,25 см; выравнивание по ширине и переносы слов должны быть включены автоматически.
2. В первой строке справа указываются фамилия, имя и отчество автора; во второй строке — место работы автора, должность, ученая степень и звание, а также e-mail; в третьей строке по центру страницы крупным и жирным шрифтом — название статьи. Эти сведения должны быть приведены на узбекском, английском и русском языках.
3. Ниже дается аннотация на узбекском, английском и русском языках, содержащая не менее 60 слов на каждом языке.
4. Далее приводятся 6–10 ключевых слов на узбекском, английском и русском языках.
5. Далее основной текст: общий объем текста должен быть не менее 2000 слов.
6. Полный список литературы должен быть приведен после основного текста в алфавитном порядке; ссылки должны присутствовать в основном тексте в формате [1, C.25].
7. Автор несет ответственность за достоверность приведенных в статье доказательств; плагиат запрещен.
8. Рекомендуется цитирование журналов из база данных Web of Science и Scopus.

#### Requirements of the articles submitted:

1. Articles are accepted in Uzbek, English and Russian and must be prepared in Microsoft Word using Times New Roman font, size 12, single line spacing, with 2 cm margins on all sides. First-line indent is 1.25 cm; text should be justified and word hyphenation/line breaks set to automatic.
2. In the first line on the right: the author's surname, given name and patronymic; in the second line: the author's affiliation, position, academic degree and title, and e-mail; in the third line centered on the page: the article title in bold and uppercase (or bold). These details must be provided in Uzbek, English and Russian.
3. Next, provide an abstract in Uzbek, English and Russian of at least 60 words in each language.
4. Next, provide 6–10 keywords in Uzbek, English and Russian.
5. Next, the main text: total word count must be at least 2000 words.
6. The full list of references must appear after the main text in alphabetical order, and citations should appear in the main text in the format [1, P.25].
7. The author is responsible for the accuracy of the evidence presented in the article; plagiarism is prohibited.
8. It is advisable to include citations from journals indexed in Web of Science and Scopus.